



## ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИККА ҚАРАТИЛГАН ДАВЛАТ ФИСКАЛ (БЮДЖЕТ-СОЛИҚ) СИЁСАТИ

**Асатуллаев Хуршид Сунатуллаевич**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Иқтисодиёт назарияси"  
кафедраси мудир, и.ф.н., профессор

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol13\\_iss2/669](https://doi.org/10.55439/EIT/vol13_iss2/669)

### Аннотация

Миллий иқтисодийотни тараққий эттиришнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда юзага келган муаммоларни бартараф этишда давлат иқтисодий сиёсатининг янгича йўналишларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Жамият иқтисодий тараққиётига эришиш, иқтисодий фаолликни ошириш йўлида давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсатини самарали қўллаш долзарб ва тадқиқ қилиниши лозим бўлган мавзулардандир. Давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсатини молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали иқтисодий фаолликни оширишга ва иқтисодиётдаги нохуш ҳолатларни бартараф этишга қаратилган бўлади. Мақолада давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсатининг иқтисодий дастакларидан оқилона фойдаланиш орқали иқтисодий ўсиш, инвестицион ва инновацион фаоллик ҳамда бандликни оширишга қаратилган таклиф ва хулосалар берилган. **Калит сўзлар:** иқтисодий ўсиш, давлат фискал сиёсати, солиқ сиёсати, бандлик, молия, давлат бюджети, давлат бюджети харажатлари, давлат бюджети даромадлари, иқтисодий инқироз, иқтисодий цикл, солиқ, солиқ имтиёзлари.

### Аннотация

На современном этапе развития национальной экономики необходимо разработать новые направления государственной экономической политики для обеспечения сбалансированного и стабильного развития экономики и устранения возникших проблем. Эффективное применение государственной фискальной (бюджетно-налоговой) политики с целью достижения экономического развития общества и повышения экономической активности является одной из актуальных тем для исследования. Государственная фискальная (бюджетно-налоговая) политика направлена на повышение экономической активности и устранение неблагоприятных ситуаций в экономике через рациональное использование финансовых ресурсов. В статье представлены предложения и выводы, направленные на повышение экономического роста, инвестиционной и инновационной активности, а также занятости через рациональное использование экономических рычагов государственной фискальной (бюджетно-налоговой) политики.

**Ключевые слова:** экономический рост, государственная фискальная политика, бюджетно-налоговая политика, занятость, финансы, государственный бюджет, государственные бюджетные расходы, государственные бюджетные доходы, экономический кризис, экономический цикл, налоги, налоговые льготы.

### Abstract

At the current stage of the development of the national economy, it is necessary to develop new

directions of the state economic policy in order to ensure the balanced and stable development of the economy and to eliminate the problems that have arisen. Effective application of the state fiscal (budget-tax) policy in order to achieve economic development of society and increase economic activity is one of the topics that should be researched. The state fiscal (budget-tax) policy is aimed at increasing economic activity and eliminating unpleasant situations in the economy through the rational use of financial resources. The article presents proposals and conclusions aimed at increasing economic growth, investment and innovative activity, and employment through the rational use of the economic levers of the state fiscal (budget-tax) policy.

**Keywords:** economic growth, state fiscal policy, fiscal policy, employment, finance, state budget, state budget expenditures, state budget revenues, economic crisis, economic cycle, taxes, tax benefits.

### **Кириш**

Дунё иқтисодиётидаги геосиёсий зиддиятлар ва савдо-сотиқдаги мураккабликлар, иқлим ўзгаришлари, давлатлар ўртасидаги қарз муаммосига қарамай 2025-2026 йилларда жаҳон иқтисодиётининг барқарор ўсишини башорат қилмоқда. Лекин, 2025 ва 2026 йилларда глобал иқтисодий ўсиш 3,3 фоизни ташкил этиши 2000-2019 йиллардаги тарихий ўсиш суръати ўртача 3,7 фоиздан паст эканлиги кўрсатилмоқда[1]. Айнан, давлатлар молиявий барқарорлик ва бюджет мустаҳкамлигига эришиш учун пул-кредит сиёсатини юмшатишлари[2], фискал сиёсат қандай бўлмасин давлат қарзини барқарор траекторияга қўйиш учун консолидацияни таъминлаши ва вазиятга янада мослашувчан жавоб бериш учун зарур бўлган майдонни тиклаши керак. Шу сабабдан жаҳоннинг аксарият мамлакатларида иқтисодий танглик ҳолатларини юмшатиш ва молиявий барқарорликни таъминлашда давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсатини такомиллаштириш ҳамда иқтисодий фаолликка қаратилган молиявий механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда ислохотларнинг янги босқичида давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсатининг иқтисодий фаолликка қаратилган дастак ва воситаларидан оқилона фойдаланиш орқали «...барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш», бу соҳада «2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш» масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо, республикада олиб борилаётган ислохотлар орқали сўнгги беш йилда қатор ижобий натижаларга эришилган бўлишига қарамасдан, давлат қарзи ва давлат бюджет тақчиллигининг тобора ошиб бориши ҳамда иқтисодиёт тармоқларидаги номутаносибликларнинг мавжудлиги сабабли барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда давлатнинг фискал (бюджет-солиқ) сиёсатини такомиллаштириш масаласи энг долзарб муаммолардан бири сифатида қолмоқда. Шу сабабдан бугунги кунда “солиқ юкини изчил равишда пасайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш, шунингдек солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини оширишнинг энг муҳим шартларидир” [3] каби вазифаларининг белгилаб қўйилиши давлатнинг фискал (бюджет-солиқ) сиёсатидан самарали фойдаланиш масаласини ҳозирги кундаги энг долзарб муаммолардан бирига айлантирди.

**Адабиётлар таҳлили**

Жаҳонда рўй бераётган тахликали хавф сураётган иқтисодий инқироз ва замонавий бозор иқтисодиёти шароитида давлат фискал сиёсатининг иқтисодий фаолликка қаратилган жиҳатларини кенг тадқиқ этиш ҳамда маълум бир иқтисодий тебранишларга мос равишдаги дастак ва воситаларини ҳар бирини таъсирчанлик даражасини ўрганиш масаласи кўрсатиб ўтилган манбаларда қисман ўрганилган.

Таъкидлаш жоизки, айнан тахлил қилинган ва ўрганилган манбаларда фавқулотда рўй берадиган вазиятларда иқтисодий тебранишлар шароитида давлат фискал сиёсатининг дастак ва воситаларининг аҳамияти, ўзига хос хусусиятлари, уларга таъсир этувчи омиллар ҳамда уларнинг самарадорлик, таъсирчанлигини баҳоловчи универсал методикаси ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, давлат фискал сиёсатининг иқтисодий фаоллик жиҳатларини кўрсатувчи асосий индикаторлар иқтисодий ўсиш, бандлик, инвестицион фаоллик ва инновацион фаолликка таъсир этувчи омиллари тўлақонли ўрганилмаган.

Инглизча вариантдаги сўз орқали кириб келган “фискал сиёсат” тушунчаси мамлакатимиз ва хориж иқтисодий адабиётларида ва тарихий манбаларда турлича талқин қилинган, кўп ҳолларда ва ҳозирги кунгача “бюджет – солиқ”, “молия – солиқ”, “молиявий сиёсат” ва “ҳазина сиёсати” сифатида деб юритилиб келинмоқда [4]. Яна бир луғавий маъносига кўра “Фискал” латинча “fiscus” сўзидан олинган бўлиб, “ҳазина” деган маънони англатади. Бу ўз навбатида “ҳазина сиёсати» деган тушунчани ҳам юзага келтиради.

Маржиналистлар намоёнчаси К.Викселл (XIX-XX-асрлар) бюджет-солиқ сиёсати муаммоларини кўриб чиқиб, бюджет даромадларининг асосий қисмини А.Маршалл таъкидлаганидек эгри солиқлар ҳисобига эмас, балки даромад ва мулкка тўланадиган тўғридан-тўғри солиқлар ҳисобига шакллантириш керак,- деб ҳисоблаган. К.Викселлнинг фикрича, солиқлар давлат харажатларини узлуксиз молиялаштириш усули,- деб ҳисоблаб, солиқларга оид барча қарорлар харажатлар эвазига комплекс тарзда қабул қилиниши ва давлат имтиёзларини акс эттириши керак [5]. Шунга кўра, К.Викселл бюджет-солиқ сиёсати муаммоларини унинг давлат фаровонлигига татбиқ этилишида чегаравий фойдалилик назарияси нуқтаи-назаридан ҳам кўриб чиқади.

Ж.М.Кейнснинг фикрича, замонавий бозор иқтисодиётининг номукамаллиги тўлиқ бандлик даражасида барқарор иқтисодий ривожланишни таъминламай олмайди, шунинг учун иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш зарур бўлиб, унинг воситаларидан бири иқтисодий ўсишга кучли таъсир кўрсатадиган, истеъмолга мойилликни рағбатлантириш ва аҳоли бандлигини оширишга қаратилган фискал сиёсатдир,-деб кўрсатади.

А.Лаффер бюджет-солиқ сиёсатини солиқ тушумларининг максимал ҳажмининг бюджетга оптимал солиқ ставкаларига боғлиқлигини ўрнатиш орқали давлат бюджети даромадларини шакллантиришга қаратилган давлат сиёсати деб тушунади [6].

Ж.Стиглиц (XX—XXI-асрлар) фискал сиёсат муаммоларига, хусусан, солиқ юки, капитал солиғи, оптимал солиққа тортиш, солиқ ислоҳотларига алоҳида эътибор беради. У солиқ тизимининг иқтисодий самарадорлиги, маъмурий жиҳатдан соддалиги, сиёсий масъулият ва мослашувчанлик ҳамда адолатлиликка асосланган беш тамойилини белгилаб беради.

Н.И.Тургенев бюджет-солиқ сиёсатини ривожлантириш муаммоларига эътибор бериб, бунда энг аввало ўртача солиқларни ўрнатиш ва солиқларни тенг тақсимлаш


тамоийлини кўрсатиб ўтади. У солиқ манбалари ва турларини, солиқларни ундириш ва ундириш тартибини белгилаб беради. Н.И.Тургенев бюджет-солиқ сиёсатининг самарадорлигини сиёсий эркинликларни амалга ошириш даражаси билан боғлайди ва солиқларни давлат тарбияси ва халқнинг онглилик даражасининг белгиси,- деб билади. У бюджет баланси назариясига ўз ҳиссасини қўшиб, солиқлар давлат эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган миқдорда олиниши, давлат харажатлари эса даромадларга мос келиши кераклигини таъкидлайди[7]. И.И.Янжул фискал сиёсат муаммоларини таҳлил қилиб, давлатнинг фискал манфаатлари солиқ тўловчиларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг турмуш даражасини пасайтирмасдан ва такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятини ҳисобга олган ҳолда қондирилиши кераклигини кўрсатиб ўтади. [8]

Маҳаллий бир гуруҳ иқтисодчи-олимларимиздан Ж.Р.Зайналов, С.С.Алиева, Н.Э.Эрназаров, Ш.М.Латиповалар томонидан нашр қилинган “Бюджет-солиқ сиёсати” ўқув қўлланмасида “.. бюджет- солиқ сиёсатининг бошланғич нуқтаси ёки “таянч нуқта”си молиявий сиёсатдир, бюджет-солиқ сиёсатининг макроиқтисодий сиёсатдаги ўрни умумий молиявий сиёсатнинг доираси билан белгиланади”-деб кўрсатилади.

Маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан Т.С.Маликов ва П.Т.Жалиловлар “.. бюджет-солиқ сиёсати, бир томондан, бюджет даромадларини (оқилон) шакллантириш ва иккинчи томондан, бюджет харажатларини (самарали) сарфлаш билан боғлиқ”-деб эътироф этишса иккинчидан давлат фискал сиёсатининг ҳақиқатдан ҳам иқтисодий фаолликка йўналтирилганлиги ҳақида “.. ҳар йили баланслаштириладиган бюджет антициклик, барқарорлаштирувчи йўналишга эга бўлган давлат фискал сиёсатининг самарадорлигини, асосан, йўққа чиқариши ёки унинг бу даражасини кескин камайтириши мумкинлиги маълум бўлади”,-деган фикрни илгари суришади.[9]

### Таҳлил ва натижалар


Мамлакатимизда сўнгги йилларда давлат фискал сиёсатининг оқилон қўлланилиши оқибатида қатор соҳа ва тармоқларнинг ривожланишига ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг жадал суръатларда тараққий этишига олиб келди.



**1-расм. 2000-2024 йилларда ЯИМ ўсиш суръатлари, давлат бюджети даромадлари ва харажатлари (ЯИМ нисбатан фоиз ҳисобида)**

харажатлари ва даромадларини тахлил қиладиган бўлсак, давлат бюджети харажатлари ва даромадларининг ўзгариши реал ЯИМнинг ўсиш суръатлари билан мутаносиб равишда ўзгариш тенденциясига эга бўлган. 2000 йилда давлат бюджети даромадлари ЯИМга нисбатан 28,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб эса, 24,0 фоизга пасайган. Худди шу тарзда давлат бюджети харажатлари 2000 йилда ЯИМга нисбатан 29,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 20,8 фоизга камайган.

Мамлакатимизда реал ЯИМнинг ўсиш суръатларини тахлил қиладиган бўлсак, 2000-2020 йиллардаги энг паст тенденция 2017-2018 йилларда кузатилган бунда мазкур кўрсаткич, 5,2-5,3 фоизларни ташкил этган. 2020 йилда эса мазкур кўрсаткич иқтисодий пандемия ҳолатига қарамасдан 1,6 фоизга ўсиши таъминланган. Реал ЯИМнинг энг юқори ўсиш суръатлари 2010-2015 йилларда кузатилган бунда ўсиш суръати ўртача 8,0 фоизлик даражани ташкил этган. Шунга мос равишда давлат бюджети даромадлари ЯИМга нисбатан ўртача 21,0 фоизлик, давлат бюджети харажатлари эса ЯИМга нисбатан қарийиб 21,0 фоизлик даражаларни ташкил этган.



**2-расм. 2000-2024 йилларда ЯИМ ўсиш суръатлари, давлат бюджети даромадлари ва харажатлари (ЯИМ нисбатан фоиз ҳисобида)**

Ўзбекистон Республикасида 2000-2024 йиллардаги давлат фискал сиёсатининг амалдаги ҳолати тахлилинини самарали тахлил қилиш учун биз томонимиздан уч давр босқичига ажратган ҳолда ўрганишни маъқул кўрдик. Агар 3.1-расм маълумотларига таянадиган бўлсак, тахлил қилинаётган биринчи давр 2000-2010 йилларда энг юқори тенденция 2000 йилда кузатилган, яъни давлат бюджет харажатлари ЯИМга нисбатан

29,6 фоизни, давлат бюджети даромадлари 28,5 фоизни ташкил этган ҳолда ЯИМнинг ўсиш суръати эса мос равишда 3,8 фоизни ташкил этган. 2005-2010 йиллардаги тенденцияда давлат бюджети харажатлари ва даромадлари ўртача 21-22 фоизда бўлган бўлса, ЯИМнинг ўсиш суръати 7,0 ва 8,5 фоизга ошган. Агар эътибор қаратадиган бўлсак, бундай максимал даражада ўсиш даражаси 2000 йилга нисбатан давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг қарийиб 6-7 фоиз пасайиши ҳисобига эришилгандек кўринади.

Тахлил қилинаётган иккинчи давр 2015-2020 йилларга тўғри келади. Бундай давр босқичини олишимизнинг сабаби иқтисодий ўсиш суръатларини глобал пандемия давригача ва ундан кейинги давр ўрганилса фикримизча тўғри бўлур эди. Иккинчи даврда 2018-2020 йилларда давлат бюджети харажатлари 24-25 фоизгача ўсиш тенденциясига эга бўлган, давлат бюджети даромадлари эса 24 фоизлик даражада бўлганва иқтисодий ўсиш 2015 йилда 8 фоизлик даражадан 2020 йилга келиб эса 1,6 фоизга пасайган. Албатта бундай тенденция 2019 йилда Хитойда қайд этилган оммавий коронавирус инфекциясининг пайдо бўлиши ва 2020 йилда қатор давлатларда кузатилган карантин ҳолатлари билан ифодаланади.

Тахлил қилинаётган учинчи давр 2021-2024 йилларга тўғри келиб, 2021 йилда давлат бюджети харажатлари 25,6 фоизни, даромадлари 22,4 фоизни, ЯИМнинг ўсиши 7,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб эса давлат бюджети харажатлари 24 фоизни, даромадлар 20,8 фоизни, ЯИМнинг ўсиши 6,5 фоизга тўғри келган. Тахлил қилинаётган даврларнинг янада чуқурроқ тахлил қилиш ва айнан давлат томонидан олиб борилаётган молия сиёсатининг таркибий сиёсатларидан бўлган давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсатининг таъсирини ўрганишни тақозо этади.

Қайд этилганидек, фискал (бюджет-солиқ) сиёсатининг умумқабул қилинган усулларида бири бу бюджет ва солиқ мултипликаторларининг иқтисодий ўсишга таъсирини тахлил қилишдир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган солиқ ислохотлари иқтисодий фаолликни ошириш, кенг кўламли инвестицияларни жалб қилиш, солиқ қонунчилигига риоя қилиш ва иқтисодий ўсишга эришишда ҳал қилувчи ўрин тутди. Солиқ тизимидаги тартиб-қоидаларини соддалаштириш, солиқ ставкаларини пасайтириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилган ислохотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ҳамда мамлакат ялпи иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши учун қулай шарт-шароитлар яратди.

**1-жадвал**

**2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулотининг маҳсулотларга соф солиқларга нисбатан таҳлили, млрд.сўмда**

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.
Ялпи ички маҳсулот	426641	532712,5	605514,9	738425,2	888341,7	1204485	1454574
Маҳсулотларга соф солиқлар	45575,8	45262,7	44361,5	51992,8	60287,5	58478,9	67963,9
Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМга нисбати, фоизда	10,6 %	8,5 %	7,3 %	7,0 %	6,8 %	4,8 %	4,6 %

Давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсатининг таркибий қисми саналган солиқлар бўйича мамлакатимизда олиб борилган ислохотларнинг ижобий таъсири халқаро рейтинг ва индексларда ҳам қайд этилди. Хусусан, “Economic freedom” рейтингда солиқ юки кўрсаткичи 90,7 пунктдан 92,4 баллга кўтарилди. Албатта бундай тенденциянинг яшиланиши жисмоний шахслар ва корхоналар учрайдиган умумий солиқ юки ҳажмининг камайишини билдиради, бу эса ўсиш ва ривожланиш учун янада қулай иқтисодий фаоллик муҳитини кўрсатади.

Юқорида 1-жадвалда кўриш мумкинки, ялпи ички маҳсулот 2017 йилда 317476,4 млрд.сўм, 2018 йилда 426641 млрд.сўм, 2019 йилда 532712,5 млрд.сўм, 2020 йилда 605514,9 млрд.сўм, 2021 йилда 738425,2 млрд.сўм, 2022 йилда 888341,7 млрд.сўм, 2023 йилда 1204485, 2024 йилда эса 1454574ни ташкил этган. Жумладан, маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 2017 йилда 10,9 фоиз, 2018 йилда 10,6 фоиз, 2019 йилда 8,5 фоиз, 2020 йилда 7,3 фоиз, 2021 йил 7,2 фоиз, 2022 йил 6,8 фоиз, 2023 йилда 4,8 фоизни, 2024 йилда 4,6 фоизни ташкил этганлигини кўриш мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) 2018 йилдан 2024 йилгача барқарор ўсиб ўсиб бормоқда, лекин маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМга нисбати камайиш тенденциясига эга. Ўзбекистонда 2018-2024 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) барқарор ўсиши ва маҳсулотга соф солиқларнинг ЯИМга нисбати пасайиш тенденцияси кузатилишининг асосий сабабларидан бири ушбу даврда амалга оширилган изчил солиқ ислохотлари билан боғлиқ. Жумладан, солиқ ставкаларини пасайтириш ва солиққа тортиш тартибларини соддалаштирилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг фаоллигини янада қулайлаштиришга хизмат қилди. Ушбу ислохотлар инвестицияларни рағбатлантириш, иқтисодий фаолликни ошириш ва рақобатбардошликни таъминлашга қаратилган. Бунинг натижасида корхоналар ўз фаолиятини кенгайтира олди, бу эса ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига ва ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига олиб келди. Шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётини диверсификация қилиш ва анъанавий тармоқларга боғлиқлигини камайтиришга қаратилган сиёсат олиб борди. Ушбу диверсификация ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсишига ёрдам берадиган янги саноат ва тармоқларнинг ривожланишига олиб келди. Солиқ солинмайдиган тармоқлар ёки солиқ юки паст бўлган тармоқларнинг кенгайиши маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМга нисбатига таъсир қилди.

Ўзбекистонда солиқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ижобий натижалар берган бўлсада, ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш, жумладан, шаффофлик ва самарадорлик солиқ тўловчилар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш зарур. Бундан ташқари, ҳукумат солиқ имтиёзларининг самарадорлигини таъминлаш ва даромадларнинг юзага келишининг олдини олиш учун уларнинг таъсирини кузатишни давом эттириши керак. Келажакда Ўзбекистон кўпроқ хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун солиқ сиёсатини илғор халқаро тажрибага мослаштириш масаласини кўриб чиқиши керак. Солиқ ислохотларини узлуксиз баҳолаш ва нозик созлаш уларнинг иқтисодиётга таъсирини оптималлаштириш ва имтиёзларнинг адолатли тақсимланишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда олиб борилган давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсатининг оқилона амалга оширилиши натижасида мамлакат иқтисодиётининг ўтган йилларда барқарор ўсишига олиб келиб қатор ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларнинг ечилишига замин яратди. Жумладан:

1. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг глобал пандемиядан сўнг барқарор ўсиш суръатларини таъминланишига олиб келди. Тадбиркорлик ва жисмоний шахсларга солиқ юкини камайтириш, инвестицияларни рағбатлантириш ва истеъмолни кўпайтириш орқали амалга оширилган ислохотлар иқтисодиётнинг кенгайишига ва умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг яхшиланишига ёрдам берди.

2. Рағбатлантирувчи давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсатининг юритилиши маҳаллий ва хорижий инвестициялар оқимини жалб қилишда ҳал қилувчи роль ўйнади. Шунингдек, юридик шахсларнинг солиқ ставкаларини пасайтирилиши, инвестицион имтиёзларнинг жорий этилиши ва солиқ маъмурчилигининг анча соддалаштирилишига эришилди. Бу инвестициялар оқимининг ошишига, иқтисодий ўсишни рағбатлантирилишига, инновацион фаолликнинг таъминланишига ҳамда локал тармоқларнинг ривожлантиришга ёрдам берди.

3. Давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсати нафақат иқтисодиётнинг фаоллигини ошириш қаторида давлат иқтисодий муаммоларидан бўлган аҳоли бандлигига ижобий таъсир кўрсатди. Ишбилармонлик муҳитини яратилиши натижасида тадбиркорлик субъектлари солиқ юкининг камайиши ва инвестиция имкониятларининг ортиши билан ўз фаолиятларини кенгайтириш ва янги иш ўринларини очилишига имконият берди. Шунингдек, Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини яхшиланиши, солиқларнинг соддалаштирилиши орқали амалга оширилган ислохотлар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини осонлаштириб, солиқ мажбуриятларини бажаришини таъминлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. <http://www.forecast.ru/ARCHIVE/Presentations/DBelousov/WESP2025.pdf>  
Мировое экономическое положение и перспективы 2025 16 января 2025 г.
2. International monetary fund world economic outlook international monetary fund  
Global Growth: Divergent and Uncertain 2025 JAN.
3. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2025 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 2024 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-1014-сон Ўзбекистон Республикасининг қонуни. <https://lex.uz/docs/7279923>
4. Молия сиёсати, солиқлар ва солиққа тортиш. Таҳрир кенгаши Беганов В. ва бошқ. Т.Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998; Шодмонов ва бошқ. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. Т. ДИТАФ 2001; Носова С.С. Экономическая теория: краткий курс. Учеб. пособия.-М.:Гуманит. Изд. Центр Владос, 2001.
5. Виксель, К. Исследования в области теории общественных финансов [Текст] / К. Виксель. - Москва, 1896.

6. Лаффер, А. Экономическая теория уклонения от налогов [Текст] / А. Лаффер, Дж. Сеймур. - Москва, 1979.

7. Тургенев, Н. И. Опыт теории налогов [Текст] / Н. И. Тургенев // У истоков финансового права. - Москва : Статут, 1998. – 107-274 стр.

8. Янжул, И. И. Основные начала финансовой науки. Учение о государственных доходах [Текст] / И. И. Янжул. - Санкт-Петербург : М. М. Стасюлевич, 1904. -504с. - репринт, изд.

9. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011. – 144 бет.

10. О. Т. Астанакүлов, Х. С. Асатуллаев, С. Б. Гойипназаров, Н. Ш. Батирова — Тенденции развития исламских финансов в условиях глобализации. Вопросы истории. Ежемесячный журнал 5(2), 2022 год, стр. 259

11. Asatullaev Kh.S. ROLE OF STATE FISCAL (BUDGET-TAX) POLICY IN INCREASE OF POPULATION EMPLOYMENT. Annali d'Italia №51/2024. ISSN 3572-2436, 11.

12. Асатуллаев Х.С. ВЛИЯНИЕ ФИСКАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ В ЭКОНОМИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ НА НАЦИОНАЛЬНУЮ БЕЗОПАСНОСТЬ СТРАНЫ. Russian Economic Bulletin / Российский экономический вестник 2021, Том 4, №1

13. О. Т. Astanakulov, Н. S. Asatullaev Foreign investment as a factor in economic development. Journal of Economics and Education. 2018, No. 1, p. 120.

14. Strategic Support for Accounting of the Investment Process in the Innovation Industry Olim T. Astanakulov, Khurshid S. Asatullaev, Nodira I. Saidakhmedova and Otamurod T. Ergashev. Journal of Advanced Research in Law and Economics. Autumn 2019. Volume X, Issue 6(44).

15. О. Astanakulov, Н. Asatullaev Ways to increase investment activity of economic enterprises. Society and Innovation - Society and Innovation - Special Issue - 4 (2021) / ISSN 2181-1415.